



# КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР МАРКЕТИНГИ ТИЗИМИДА НАРХЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

*Г. Абдураширова  
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)*

*Умаров О.С.  
иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент*

**Аннотация.** Мақолада корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархнинг ҳисоб функцияси, нарх стратегиялари, корхона нарх сиёсатини ишлаб чиқиш, нарх сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари, корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нарх стратегияларини танлашга таъсир этувчи омиллар ҳамда корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда инвестициялар рентабеллиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** корхона, иқтисодий хавфсизлик, нарх стратегиялари, инвестиция, рентабеллик, инвестициялар рентабеллиги бошқарув ҳисоби, тамойиллар, самарадорлик.

**Аннотация.** В статье рассматриваются расчетная функция цены в обеспечении экономической безопасности предприятий, стратегии ценообразования, разработка ценовой политики предприятия, этапы разработки и реализации ценовой политики, факторы, влияющие на выбор ценовой стратегии в обеспечении экономической безопасности предприятий, рентабельность инвестиций в обеспечение экономической безопасности предприятий.

**Ключевые слова:** предприятие, экономическая безопасность, ценовые стратегии, инвестиции, рентабельность, управленческий учет рентабельности инвестиций, принципы, эффективность.

**Abstract.** The article describes the calculation function of price in ensuring economic security of enterprises, price strategies, development of enterprise price policy, stages of development and implementation of price policy, factors affecting the choice of price strategies in ensuring economic security of enterprises, and profitability of investments in ensuring economic security of enterprises.

**Key words:** enterprise, economic security, price strategies, investment, profitability, investment profitability management accounting, principles, efficiency.


**Кириш.** Нарх иқтисодий категория бўлиб, сотувчи маҳсулотни сотмоқчи бўлган ва харидор уни сотиб олишга тайёр бўлган пул миқдорини англатади. Бошқача қилиб айтганда, нарх маҳсулот қийматининг пулдаги ифодасидир. Агар битим шартлари бир маҳсулотни бошқасига алмаштиришни назарда тутса, иккинчиси биринчи маҳсулотнинг товар нархига айланади.

Демак, нархни шакллантириш бу – товар ва хизматларга нарх белгилаш жараёнидир. Нарх ҳисоб, тақсимлаш ва рағбатлантириш функцияларини бажаради. Нархнинг ҳисоб функцияси маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун ижтимоий зарур бўлган меҳнат харажатларини акс эттиради, ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларини баҳолайди. Тақсимлаш функцияси товарларнинг айрим турлари бўйича акциз солиги, қўшилган қиймат солиги ва давлат бюджетига тушадиган марказлаштирилган соф даромаднинг бошқа шакллари бўйича нархларда ҳисобга олишни ўз ичига олади. Рағбатлантириш функцияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурсларни тежаш, янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқалар учун қўлланилади.

**Тадқиқот методологияси:** Тадқиқотни ўтказиш жараёнида тизимли ёндашув ва қуидагилардан фойдаланилди: усуллар: монографик, муаммо ҳолатини ўрганишда, назарий умумлаштириш, холосаларни қайта ишлаш, тавсифлаш, мавхум-мантиқий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар:

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда корхона нарх сиёсатини ишлаб чиқиши схемасини корхонани ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилмаси ва бошқарув усуллари, корхонада ўрнатилган анъаналар, ишлаб чиқариш харажатлари даражаси ва бошқа ички омиллар, шунингдек ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ривожланиши, яъни ташқи омиллар асосида мустақил равишда белгилайди. Корхонанинг нарх сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш жараёни схема кўринишида ифодаланиши мумкин (1-расм).



## 1-расм. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нарх сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш босқичлари<sup>1</sup>

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нарх сиёсатини ишлаб чиқишининг дастлабки босқичида корхона маълум бир маҳсулотни чиқариш орқали қандай иқтисодий мақсадларга эришмоқчи эканлигини аниқ ҳал қилиши керак [1].

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабни шакллантириш қонуниятларини ўрганиш корхонанинг нарх сиёсатини ишлаб чиқишида муҳим босқич ҳисобланади. Талаб қонуниятлари талаб ва таклиф эгри чизиклари ҳамда нарх эластиклиги коэффициентлари ёрдамида таҳлил қилинади. Талаб эластиклиги қанчалик паст бўлса, маҳсулот сотувчиси шунча юқори нархни белгилаши мумкин. Аксинча, талаб қанчалик эластик бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархини пасайтириш сиёсатидан фойдаланишга кўпроқ сабаб бўлади, чунки бу сотиш ҳажмининг ошишига ва натижада корхона даромадига олиб келади<sup>2</sup>.

Пухта ўйланган нарх сиёсатини амалга ошириш учун харажатлар даражаси ва структурасини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш бирлигига ўртacha харажатларни ҳисоблаш, уларни режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажми ва бозордаги мавжуд нархлар билан таққослаш керак [2].

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда тўлов қобилияти билан белгиланадиган нархнинг юқори чегараси ва харажатлар натижасида ҳосил бўлган пастки чегара ўртасидаги фарқ баъзан тадбиркорнинг нархларни белгилаш ўйини майдони деб аталади. Одатда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маълум бир маҳсулот учун маълум бир нарх айнан шу оралиқда белгиланади<sup>3</sup>.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархларни белгилашга бундай ёндашув кўпинча талаб оммавий бўлган бозор маҳсулотлари учун қўлланилади. Бундай ҳолда, товарларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажми бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади: ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, корхона ишлаб чиқариш харажатларини ва пировардида нархларни камайтириш учун шунча кўп имкониятларга эга бўлади. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ушбу нарх шакллантириш стратегиясида қуйидагилар зарур [3]:


бозорда рақобатчи пайдо бўлишига халақит бериш;  
маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида доимо қайғуриш;  
ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>2</sup> Васюхин, О.В. Основы ценообразования: Учебное пособие /О.В.Васюхин.- СПб.: СПбГУ ИТМО, 2010. - 110 с.

<sup>3</sup> Банк, С.В., Тараксина, А.В. Система показателей комплексного анализа финансового состояния хозяйствующего субъекта//Экономический анализ: теория и практика. - 2011.-№ 4. - С. 28-35.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нарх стратегиялардан бирини танлаш корхона раҳбарияти томонидан қўйидаги омилларга қараб амалга оширилади:



## 2-расм. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нарх стратегияларини танлашга таъсир этувчи омиллар<sup>4</sup>

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда товарларга талабнинг шаклланиш қонуниятлари, тармоқдаги умумий вазият, рақобатчиларнинг нархлари ва харажатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиб, ўз нарх стратегиясини белгилаб, корхона ишлаб чиқарилган товарлар учун нарх шакллантиришнинг ўзига хос усулини танлашга ўтиши мумкин. Қўйида энг кўп фойдаланиладиган нарх шакллантириш усулларини кўриб чиқайлик:

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда харажатлар тўлиқ миқдорига фойда ҳажмига мос келадиган маълум бир сумма қўшилади. Агар ишлаб чиқариш таннархи асос қилиб олинган бўлса, қўшимча (устама) тўлов сотиш харажатларини қоплаши ва фойдани таъминлаши керак. Қандай бўлмасин, қўшимча (устама) тўлов харидорга ўтказиладиган билвосита солиқлар ва божхона тўловларини ўз ичига олади. У аниқ белгиланган товар дифференциациясига эга бўлган корхоналарда анъанавий товарларга нархларни ҳисоблаш, шунингдек, нарх прецедентлари бўлмаган мутлақо янги товарларга нархларни белгилаш учун қўлланилади. Ушбу усул рақобатбардошлиги пасайтан товарларнинг нархларини ҳисоблашда энг самарали ҳисобланади [4].

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда сотиб олинган хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар учун харажатларнинг тўлиқ миқдори

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси



корхонанинг товарлар қийматини оширишга қўшган ҳиссасига мос келадиган фоизга оширилади. Мазкур усул узоқ муддатли истиқболга нарх шакллантириш қарорлари учун қўлланилмайди, у тўлиқ харажатлар усулининг ўрнини босмайди, лекин уни тўлдиради. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда қуидагилар ҳақида қарор қабул қилиш ҳолатларида қўлланилади:

-ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали фойда микдорини кўпайтириш;

-рақобат курашини рад этиш ёки давом эттириш;

-рентабеллиги энг баланд ва энг паст маҳсулотларни аниқлашда ассортимент сиёсатини ўзгартириш;

-бир марталик (алоҳида) буюртмаларни бажариш.

Маржинал харажатлар усули ишлаб чиқариш бирлигига ўзгарувчан харажатларнинг етарли фойда маржасини таъминлайдиган ва харажатларни қоплайдиган фоизга ўсишини англатади. Бунда нархларнинг кенгроқ имкониятлари тақдим этилади: доимий харажатларни тўлиқ қоплаш ва фойдани максималлаштириш [5].

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда инвестициялар рентабеллиги усули шунга асосланадики, лойиха қарз олинган маблағлар қийматидан паст бўлмаган рентабелликни таъминлаши керак. Маҳсулот бирлигининг умумий харажатларига кредит бўйича фоизлар қўшилади. Товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни тўлашни ҳисобга оладиган ягона усул. Бу уларнинг ҳар бири ўз ўзгарувчан харажатларини талаб қиласиган маҳсулотларнинг кенг ассортиментига эга бўлган корхоналар учун мос келади. Анъанавий равища ишлаб чиқарилган бозор нархига эга бўлган маҳсулотлар учун ҳам, янги маҳсулотлар учун ҳам мос келади. У корхона учун янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида қарор қабул қилишда муваффакиятли қўлланилади.

### **Хуносас.**

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бўлинмаларининг харажатларни камайтиришдан манфаатдорлиги шароитида стратегик мақсадларни амалга оширишни таъминлаш учун бошқарув ҳисоби воситасига эҳтиёж пайдо бўлади, чнукни трансфер баҳоларни шакллантиришда иқтисодий категориялар ўртасидаги муносабатни энг оптималь тарзда шакллантириб беришни айнан бошқарув ҳисоби таъминлаб беради. Трансфер баҳо алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув ҳисоби тизимларидағи маълумотларни ягона бошқарув ҳисоби тизимиға бирлаштириш воситасидир.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқараётган маҳсулотига баҳо белгилашнинг жуда кўплаб ёндашувлари ва усуллари мавжуд. Бир қарашда ана шу ёндашувларнинг ёки усулларнинг қайси бири энг самарали, яъни оптималь эканлигини аниқлаш жуда қийин. Умуман олганда турли хил ёндашувлар ва усуллар турли хил мақсадларни кўзлаб қўлланлади. Шунинг учун ҳам корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда раҳбарлар бозорга таклиф



қилаётган маҳсулотларига баҳони белгилашларида бозорнинг ёзилган-ёзилмаган тартиб-қоидаларини чуқур ўрганишлари, шу борада йиллар мобайнида тўпланган тажрибаларни таҳлил қилишлари, товар баҳоси билан боғлиқ бўлган барча маълумотларни албатта эътиборга олишлари, шунингдек албатта, бозордаги шу маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни чуқур таҳлил қилишлари керак бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы, М, 2005.
2. Баскакова, О.В., Сейко, Л.Ф. Экономика предприятия (организации): учебник для бакалавров / О.В. Баскакова, Л.Ф. Сейко. – М.: Дашков и К°, 2015. – 370 с.
3. Гавриленко, Н.И. Маркетинг: учебное пособие / Н.И. Гавриленко. – М., Берлин: Директ-Медиа, 2015. – 194 с.
4. Глотко А.В. Инновационно-кластерная развития АПК. Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “Проблемы и перспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3–4 октября 2008 г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ. –С.104.
5. Каландарова Н.Н. Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. Монография, Т.: «Lesson press», 2020.146 б.